## МАЛАКАЛАРИ ҚАЧОН ОШАДИ?

Бечора талабалар ота-онаси-ю домлаларидан ҳам бунчалик дашном эшитишмаган бўлса керак! Хуллас, бундай чипта сотувчилар "ўзи хон, кўланкаси майдон" деганларидек, транспорт салонини шахсий мулкка айлантириб олганлар.

3 бет

## ТУҒИЛГАН КУНДАГИ ЖИНОЯТ

...билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган, сўнг тавба қилиб ўз ҳаётини ўнглаб олганлар сон мингта. Бунинг учун кишида мустаҳкам ирода, соғлом мафкура бўлмоғи керак. Бу хусусиятлардан бегона бўлганлар эса...

10 бет


Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 21-may, № 21 (646)


# МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

***Қонун яратиб берган имконият ва имтиёзлардан кенг фойдаланиб бозорлар ҳамда дўконлар пештахталарини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдираётган тадбиркор-у ишбилармонлар, фермерлардан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Бундай ҳалол тадбиркорликни давлатимиз ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, албатта. Бироқ тадбиркорлик ниқоби остида қонун талабларини менсимаётган ва иқтисодиётимизга зарар етказаётган фуқаролар ҳам учраб турибди. Ана шулар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи Эркин ХОЛМАТОВ билан суҳбатлашдик.***

**— Эркин ака, орамизда даромадини солиқдан яшириб, сохта ҳужжатлар тузиб ёки ҳеч бир ҳужжатсиз ноқонуний йўллар билан бойлик орттиришга уринаётганлар ҳам борлиги сир эмас. Ана шундай қинғир ишга қўл урган ҳуқуқбузарларга қарши курашиш борасида амалга оширилган тадбирлар хусусида тўхталсангиз.**

— Аввало, фаолиятимиз таҳлил қилиниб, мунтазам умумлаштирилиб борилишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Жорий йилнинг биринчи чораги мисолида айтадиган бўлсак, иқтисодиёт, солиқ, валютага оид жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш, нақд пул маблағларининг ноқонуний айланиш манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш, хуфёна иқтисодиётга барҳам бериш, давлатга етказилган иқтисодий зарарни аниқлаш ҳамда ундириш асосий эътиборимизда бўлди. Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан давлат солиқ сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқдан бўйин товлаш механизмларини аниқлаш борасида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида солиқ, валюта ва иқтисодиётга оид 176 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Шундан 172 таси бўйича жиноят иши қўзғатилди, 4 нафар шахсга нисбатан 4 та маъмурий иш юритилди.

Етказилган зарарларни ундириш юзасидан зарур қонуний чоралар кўрилмоқда. Жорий йилнинг тўрт ойи давомида бюджетга 6 млрд. 228 млн. 265 минг 200 сўм қўшимча маблағ ҳисобланди. Бюджетга ҳисобланган барча турдаги маблағлардан (ўтган йилда ҳисобланган маблағлар билан бирга) жами 1 млрд. 554 млн. 318 минг 100 сўм ундирилди.

Вилоят ҳудудида валюта қийматликларини ноқонуний муомалага киритишга қарши курашиш ва валютага оид қонунчиликка риоя қилинишини юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида 16 та ҳолатда ҳуқуқбузарлик содир этилгани аниқланиб, 12 та жиноят иши ва 4 та маъмурий иш қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 61 минг 348 АҚШ доллари, 40,7 миллион ўзбек сўми, 43 минг 940 россия рубли, 54 минг 878 қирғиз соми ашёвий далил сифатида олинди.

Ўтган тўрт ой давомида Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори ижроси юзасидан амалга оширилган тезкор тадбирлар натижасида 14 та қонунбузарлик ҳолати фош этилиб, ҳуқуқбузарлардан жами 20,6 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди.

**— Яширин цехлар ҳам иқтисодиётимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу кушандага қарши курашиш бошқарма ходимларининг муҳим вазифаларидан саналади.**

— Албатта, хуфёна иқтисодиётга қарши курашиш ходимларимизнинг доимий диққат марказида турибди. Буни шу йилнинг биринчи чорагига дахлдор айрим мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ноқонуний фаолият юритаётган 38 та яширин цех аниқланиб, барча ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзғатилди.

(Давоми 2-бетда).

# ТАДБИРКОРГА КЕНГ ЙЎЛ

Ишлаб чиқариш, савдо-хизмат кўрсатиш, иқтисодиётни жадал ривожлантиришга зарур шарт-шароитларни ҳавола этувчи тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунлар, Президент қарорлари ижросининг таъминлаш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидандир. Амалдаги қонунларга риоя қилиб, турли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, аҳолига савдо-маиший хизматни йўлга қўяётган ҳалол тадбиркорлар айни чоғда янги иш ўринлари яратиб, ишсизлик муаммосини ҳал этишга, бекорчилик туфайли содир этилувчи ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга муайян ҳиссаларини қўшишяпти. Бироқ, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонун ва қонуности ҳужжатларининг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини англаб етмаган айрим мансабдор шахслар сансалорликка йўл қўйишяпти.

Юз-хотир, андиша халқимизга хос яхши фазилатлардандир. Бироқ юз-хотир қилиб, иш бошлай олмаётган фуқаролар, тадбиркорлар талайгина. Бунга чек қўйиш, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилинаётган ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида туман прокуратураси қошида "Ишонч телефони"ни ташкил этиш билан бир қаторда сўровнома ўтказилди. Саволларга аноним тарзда ёки исм-шарифларини кўрсатмасдан жавоб қайтариш имконияти ҳавола этилди. Сўровнома натижасида бир қатор тадбиркорлар зарур пайтда банкдаги ҳисоб рақамларига топширилган нақд пулларини олишолмаётгани, кредит ажратишни сўраб ёзган аризалари кўриб чиқилмаётгани, солиқ йиғимлари тўғрисидаги қонун талабига зид равишда ортиқча йиғилаётгани, электр энергиясидаги узилишлар туфайли зиён кўришаётгани, фаолиятни кенгайтириш учун ер майдони олиш муаммога айланганини баён этишди. Сўровнома натижалари ва "Ишонч телефони"га мурожаатлар таҳлил қилиниб, тегишли идора ва муассасаларда қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилди.

Туман маркази — Жомашўй шаҳарчасида яшовчи М.Раҳмонов "Ишонч телефони"га мурожаат этиб, иссиқхона қуриш учун ер майдони ажратилишида ёрдам беришни сўради. Унинг мурожаати ўрганилиб, туман ҳокимлигининг иссиқхона учун 0.5 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида 47-сонли қарори қабул қилинди.

"Хожибек Хурулбоев" хусусий корхонасининг раҳбари Х.Хожибеков фирма қошидаги савдо дўконини таъмирлашга киришган. Бироқ маблағи етмаган. Банкдан кредит олмоқчи бўлган. Банк ходимлари ишни пайсалга солишавергач, "Ишонч телефони" орқали ёрдам сўраган. Прокуратура тадбиркорнинг мурожаатини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатди. Унга 10 миллион сўм кредит ажратилди.

"Микрокредитбанк" туман бўлимининг фаолияти таҳлили жараёнида тадбиркорларнинг мурожаатлари қонунда кўзда тутилган муддатларда ҳал қилинмагани аён бўлди. Банк бошқарувчиси А.Намозов ва кредит бўлимининг бошлиғи Ғ.Омоновлар ўз фаолиятларини кенгайтириш мақсадида кредит ажратишни сўраган М.Султонов, А.Эргашев, А.Улуғназаров, Б.Жўраев, А.Абдуллаев, Х.Обилов, А.Норматов ва бошқа, жами йигирма нафардан зиёд тадбиркорларнинг аризаларини рўйхат дафтарига қайд этишмаган, қонунда кўзда тутилган бир ой муддатда кўриб чиқишмаган. Қонун талабларини бузган бошқарувчи ва бўлим бошлиғи маъмурий жавобгарликка тортилди.

Фуқароларнинг мурожаатлари келиб тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида, қўшимча ўрганишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирилмай кўриб чиқилиши лозим. Туман бош меъмори Д.Ҳайитов "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг ушбу талабларига беписанд муносабатда бўлиб келган. Унинг фаолияти ўрганилганда Гўртепа қишлоғилик О.Жамолиддиновнинг хусусий боғча қуриш учун ер ажратишни сўраб ёзган аризасини тегишли тартибда рўйхатга олиб, дафтарда қайд этмагани аниқланди. Бундан ташқари, бош меъмор И.Аҳмаджоновнинг Жомашўй шаҳарчасида сауна қуриш учун ер ажратишни сўраб ёзган аризасини бир ярим ой мобайнида кўриб чиқмаган. Туман ҳокимлигига хулосасини тақдим қилмаган. Шаҳарчада ҳамда Олтинкўл, Довдуқ, Момахон, Гулбоғ қишлоқ фуқаролар йиғинларида яшовчи 110 нафар фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг савдо ва маиший хизмат дўкони, ҳаммом, "Гўзаллик салони", турар-жой қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб берган аризаларини икки-уч ой мобайнида ўрганмаган, жавоб хатларини жўнатмаган.

Бош меъмор шунингдек, 277 нафар фуқаролар шаҳарсозликка оид қонун талабларига зид равишда ҳамда рухсатсиз, ўзбошимчалик билан қуриб олишган бино ва қўшимча биноларни буздириб ташлашни ташкил этмаган. Бевосита хизмат вазифасини бажармай келган Д.Ҳайитов жиноий жавобгарликка тортилди.

Қонунбузилишини бартараф этиш мақсадида кўрилган чоралар ўз самарасини бермоқда. Тадбиркор, фуқаролар, мурожаат этаётган бошқа идора, муассасаларнинг раҳбар ва ходимлари тегишли хулоса чиқариб, мурожаатларни белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқишмоқда.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонун ва қонуности ҳужжатлари янги иш бошлаш, ишни ривожлантириш учун кенг йўл очиб берди. Қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш борасидаги тарғибот ишлари ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари натижасида туманимизда турли йўналишда фаолият юритаётган, янги иш ўринларини таклиф қилаётган тадбиркорларнинг сафи кенгаймоқда.

**Муҳиддин МАМАДАЛИЕВ,**
**Мингбулоқ туман прокурори**

# ТИНГЛОВЧИЛАР ПАРЛАМЕНТДА

**Ўтган ҳафта Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари профессор ўқитувчилари ҳамда тингловчилари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Давра суҳбатида депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг бугунги икки палатали парламент шароитида қонун ижодкорлиги фаолияти ҳақида тўхталдилар. Юртимизда олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотлар ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олаётганлиги, энг асосийси, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, прокуратура фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳофаза қилиш борасидаги прокуратура органларининг мавқеини янада кучайтириш масалаларига тўхталиб ўтилди. Бугунги кунда соҳада фаолият юритаётган ходимларнинг фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олишга доир мажбуриятлари тўлақонли бажарилишига эътибор кучайтирилмоқда.

Суҳбат давомида депутатлар мамлакатимизда қонунчилик ташаббусига эга органлар томонидан юборилаётган қонун лойиҳалари ҳақида ҳам тингловчиларга батафсил маълумот бердилар. Олий ўқув курслари тингловчилари Олий Мажлисда қабул қилинаётган ва такомиллаштирилаётган қонунлар, уларнинг жамиятдаги ўрни ва амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Шу билан бирга қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар ҳамда қонун чиқарувчилар билан мунтазам учрашувларини ўтказиб бориш мақсадга мувофиқлигини таъкидладилар.

**Ўз мухбиримиз**

# МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яширин цехлар фаолияти таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлдики, улардан 4 таси спирт, 10 таси ёғ ишлаб чиқариш, 2 таси озиқ-овқат ва 22 таси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган.

Хусусан, Департаментнинг Андижон шаҳар бўлими томонидан олиб борилган тадбирлар натижасида хусусий тадбиркор Д.Жўраев макарон ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтганлиги аниқланди. Бироқ у электр тармоқларидан фойдаланиш учун шаҳар электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузмасдан фаолиятини бошлаб юборган. Ачинарли томони шундаки, у электр энергиясидан яширинча фойдаланиб, санитария талабларига хилоф равишда инсон саломатлиги учун зарарли бўлган макарон маҳсулотларини ишлаб чиқараверган. Бундан ташқари хусусий тадбиркор Д.Жўраев электр тармоқларидан ноқонуний фойдаланиши натижасида Андижон шаҳар электр тармоқлари корхонасига 5 миллион 166 минг 737 сўм зарар етказган. Мазкур ҳолат юзасидан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Суд ҳукми билан тадбиркорга жарима жазоси тайинланди.



Халқ саломатлигини эмас, балки ўзининг чўнтагини қаппайтиришни ўйлаб яширин цех очганлардан яна бири хўжаободлик фуқаро Н.Нишонова бўлиб чиқди. Бу сохта тадбиркор ўзининг хонадонида қонунга хилоф равишда қўлбола усулда алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳадисини олган экан. Тадбир давомида унинг уйидан акциз маркасиз, қўлбола усулда тайёрланган 150 шишаароқ топилди. Бу маҳсулотлар текширилганда истеъмолга яроқсиз эканлиги аён бўлди. Н.Нишонова илгари ҳам бундай ноқонуний ишлаб чиқарилган маҳсулотларни савдога чиқаргани учун 2008 йилда жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман суди томонидан маъмурий жавобгарликка тортилган эди. Афсуски, бу чора унга сабоқ бўлмагани кўриниб турибди. Энди у жиноий қилмиши учун яна судда жавоб беришига тўғри келади.

Хўжаободлик фуқаро С. Ўлжаева ҳам унинг изидан бориб, ўз хонадонида ароқ тайёрлашни пухта ўзлаштириб олганлиги фош бўлиб қолди. У 75 дона алкогол маҳсулотларни сотаётган вақтда ушланди. Яширин цех эгаси энди қонуний жазосини кутмоқда.

**— Ҳукумат қарорига кўра, мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний товарлар олиб кирилиши ва сотилиши мумкин эмас. Шунга қарамай маълумотлардан кўринадики, ҳамон тартибни бузиш ҳолатлари давом этмоқда.**

— Аччиқ бўлса-да, айтиш керак, тартибни бузаётганлар "ҳеч ким билмайди" деб калта ўйлашади. Оқибатда ўзларига ташвиш орттиришаяпти. Буни Департаментнинг Андижон вилоят бошқармаси ва Кўрғонтепа туман ички ишлар бўлими ходимлари биргаликда ўтказган тезкор тадбир натижаси ҳам кўрсатиб турибди. Айрим фуқаролар жиноий даромад топиш мақсадида турли қинғирликлардан тап тортмаяптилар. Бунга фуқаролар Исмоилжон Қаҳҳоров, Мамарасул Жумабоев, Баҳодир Қаҳҳоровларнинг қилмишлари мисол бўла олади. Улар ўзаро жиноий тил бириктириб, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтишдан бўйин товлаб, савдо фаолиятини амалга оширишган - божхона назоратини четлаб, жуда кўп миқдордаги товарларни мамлакатимиз ҳудудига олиб киришганида бунинг оқибати нима билан тугашини ўйлаб кўришмаган кўринади.

Кези келганда валютага оид жиноятларга ҳам тўхталиб ўтсам. Тарғибот тадбирларига қарамасдан айрим фуқаролар валютафурушликдан ўзларини тия олмаяптилар. Тадбир давомида бундай шахсларга Андижон шаҳар Янгибозор ҳудудида дуч келинди. Фуқаро А.Холматовнинг бозор ҳудудида валюта айирбошлаш билан шуғулланувчи шахслардан 6000 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда 8 миллион 940 минг сўмга алмаштириб кетаётганлиги маълум бўлди. Унинг автомашинаси кўздан кечирилганда ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган жами 40.000 АҚШ доллари ва 437.500 сўм ашёвий далил сифатида олинган. Ушбу ҳолат юзасидан А.Холматовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Бу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш муҳим вазифалардан саналади. Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш учун профилактик тадбирларга катта аҳамият бераяпмиз. Бундай тадбирлар амалиётда самара беради, албатта. Қисқача айтганда, сохта тадбиркорлик фаолиятига чек қўйиш, ноқонуний нақд пул айланмаларининг олдини олиш, мамлакатимизга қонунга зид равишда товарлар олиб келиниши ва сотилишига қарши курашишдан кўзланган мақсад иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилишдир.

**Суҳбатдош:**
**Бахтиёр НАЗАРОВ**

***Фуқароларимизнинг турмуш шароитини енгиллаштиришда табиий газнинг аҳамияти катта. Бу эса аҳолини газ билан таъминловчи ташкилотларнинг, хусусан суюлтирилган газ қуйиш станцияларининг мутасаддилари ва хизматчиларидан ўз вазифаларига сидқидилдан муносабатда бўлишни тақозо этади. Бироқ бу борада ҳамма жойда ҳам ишларнинг кўнгилдагидек йўлга қўйилмаганлиги ачинарли ҳолдир.***

# НАФС БАНДАЛАРИ

Хушбоқ Муротов тўрт йил мобайнида "Денов газ қуйиш станцияси" МЧЖ раиси лавозимида ишлаб келди. У бошчилигидаги жамоанинг асосий вазифаси бир қанча туманлар аҳолисига ўз вақтида ва узлуксиз суюлтирилган газ таъминотини йўлга қўйишдан иборат бўлсада, Х.Муротов мансабидан ғаразли мақсадда фойдаланиш, ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилиш йўлига ўтди. МЧЖ раиси ва омбор мудири Д.Худойқулов ўзаро жиноий тил бириктирдилар.

"Денов газ қуйиш станцияси" МЧЖ хизмат кўрсатиши лозим бўлган Денов, Сариосиё, Узун, Олтинсой, Қумқўрғон, Шўрчи, Бандихон туманлари аҳолиси эҳтиёжлари учун олиб келинган қиймати 1 млрд. 236 млн. сўмликдан зиёд бўлган 987,4 тонна арзон нархдаги суюлтирилган газ юқоридаги шахсларнинг кирдикорлари туфайли ўз манзилидаги эҳтиёжмандларга етказиб берилмади. Аксинча, МЧЖга қарашли газ қуйиш шохобчалари орқали анча қиммат, яъни ҳар килограмми 300 сўмдан нақд пулга сотиб юборилди. МЧЖ раиси ва омбор мудири сотувдан тушган пулларни ўзаро бўлиб олишиб, ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилиб юбордилар.

Жиноий хатти-ҳаракатларининг изини яхшилаб ёпмасалар, кейинчалик қилмишлари албатта фош бўлиб қолишига кўзи етган раис ва омбор мудири юқорида санаб ўтилган туманлардаги маҳаллаларда яшайдиган аҳолига ҳар килограмм суюлтирилган газ 127 сўмдан тарқатилди, деган мазмундаги сохта ҳужжатларни расмийлаштирдилар. Маълумотномаларга ноқонуний тарқатилган газ миқдори қўшиб ёзилди. Аҳоли хонадонларига тарқатиладиган суюлтирилган газ ҳақидаги рўйхатларга мазкур маҳаллаларда умуман яшамайдиган одамларнинг исм-шарифлари киритилиб, ҳисоботлар тузилди ва тақдим этилди.

Лекин, Х.Муротов ва Д.Худойқуловнинг жиноий қилмишни хаспўшлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари самара бермади. Кирдикорлари барибир фош этилди. Терговда аниқланган 157,2 млн. сўмлик зарарнинг 90,1 млн. сўми айбланувчилардан вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига нақд ҳолда ундирилди. Қолган 67,1 млн. сўм ҳам нақд пулда МЧЖ ғазнасидан банк орқали бюджетга ундириб олинди. Нафсини жиловлай олмаган кимсалар суд ҳукми билан айбдор деб топилиб, қилмишларига яраша жазоландилар.

**Комил НАЗАРОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

***Бевосита тегишли идораларга топширган аризалари жавобсиз қолган ёки муаммолари қонуний ҳал этилмаган фуқаролар туман прокуратурасига мурожаат қилишмоқда. Ўтган йил мобайнида 192 та ариза ва шикоятлар кўриб чиқилди. Бу 2007 йилга нисбатан 13 тага кўп. Уларнинг аксарияти меҳнат, ер, уй-жой, ижтимоий ҳимоя ва қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунбузилиш ҳолатларига тааллуқли бўлиб, асосли аризалар қаноатлантирилди. Шу йил бошида ариза ва шикоятлар кўп тушган қишлоқ фуқаролар йиғинларида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси ўрганилди. Ушбу жараёнда аризаларни рўйхатга олиш, белгиланган муддатларда кўриб чиқиб, муносабат билдириш, ҳал этиш, жавоб йўллаш каби қонун талабларига риоя қилинмаган ҳолатлар кўзга ташланди.***

# ЛОҚАЙДЛИК

Хусусан Т.Ҳомидов, С.Акбаров, С.Шокиров ва М.Шокировларнинг дўкон қуришга ер ажратишни сўраб Оқ ер қишлоқ фуқаролар йиғини раиси номига ёзган аризалари орадан икки ой ўтиб, 2008 йил 5 декабрь куни рўйхатга киритилган. Фуқароларнинг таклифларини бир ой ичида кўриб чиқиш тўғрисидаги қонун талаби қўпол равишда бузилган. Аризаларга ҳеч қандай муносабат билдирилмаган, ёзма равишда жавоб берилмаган. Нафақат "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун, балки тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид ҳукумат қарорларига ҳам амал қилинмаган. Хўжақишлоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи С. Ғуломовнинг аризасига қонунда белгиланган тартибда, ўн беш кун мобайнида муносабат билдирилиб, ёзма равишда жавоб йўлланмаган. Қонуннинг қўшимча ўрганиш ва текшириш талаб қилинмайдиган ариза ва шикоятлар ўн беш кунда кўриб чиқилиши тўғрисидаги талабига риоя этилмаган.

Кам таъминланган оилаларга нафақа ажратиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари асосида мурожаат этган фуқаролар ҳам бефарқ, лоқайд муносабатдан азият чекишган. Оқ ер қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М.Мирзаакбаров, котиби К.Жаҳоналиевлар "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига зид иш кўришган. Д.Аҳмаджонованинг вояга етмаган фарзандига нафақа тайинлашни сўраб ёзган аризаси орадан бир ой ўтиб рўйхатга олиш китобига киритилган. Орадан яна бир ой ўтиб, 2008 йил сентябрь ойидан нафақа тайинланган. Бу оила бир ой мобайнида нафақа олишдан маҳрум бўлиб қолган. Хожиқишлоқлик фуқаро Н. Умаровнинг ўтган йил 17 ноябрь куни икки нафар фарзандига нафақа ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси икки ой мобайнида ҳатто рўйхатга олиш китобига ҳам киритилмаган.

Бешкапа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва котибаси ҳам нафақа тайинлашни сўраб ёзилган аризаларга панжа орасидан қарашган, аризаларни белгиланган муддатда кўриб чиқишмаган, жавоб хатларини йўллашмаган.

Зоҳидон ҚФЙ раиси А.Ниёзов Амиробод қишлоғилик Х.Мамадалиевнинг Маҳалла гузари қуриш учун, М.Валиевнинг Автомобилларга техника хизмати кўрсатиш шахобчасини очиш учун ер ажратиш тўғрисидаги аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиб ёзма жавоб беришдан иборат хизмат бурчини адо этмаган. Фуқаролар аризаларига орадан қирқ кун ўтгачгина жавоб олишган.

Тўда, Риштон, Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам фуқароларнинг турли мазмундаги мурожаатлари, аризаларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда юқоридагидай қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Фуқароларнинг мурожаатларига лоқайд, бефарқ муносабат ҳақли эътирозларни келтириб чиқаради. Бу каби қонунбузилишларни бартараф этиш ва олдини олиш учун прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

**Ғайратжон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Риштон туман прокурори катта ёрдамчиси**

# ХОНАВАЙРОНЛИККА ЭЛТУВЧИ ҚИЛМИШ

Туман ИИБ ва ўт ўчириш идораси ходимлари хонадонларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиб юришган эди. Навбатдаги хонадонга киришса, ҳовлида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда ўнтача катта-катта қоплар тахланган экан.

Қопларда нима борлиги билан қизиқишди.

— Кийим-кечаклар...

— Қаердан олгансиз, ҳужжатлари борми? Сифат сертификатлари-чи?

Хонадон эгаси каловланди. Гапни айлантирди. Кейинги саволларга тайинли жавоб беролмай, ростини айтишга мажбур бўлди.

— Бу жемпер ва белбоғларни Қирғизистондан насияга олиб ўтганман. Божхона ҳужжатлари йўқ.

ИИБ ходимлари холисларни таклиф қилиб, қопларни очиб кўришди. Баённома тузишди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди.

* * *

Ўзбекистон билан Қирғизистон чегарасидаги дарё Қорасув шаҳрини иккига бўлган. Бегжон чегара ортига бориб-келиб туради. Чегара ортидаги Қорасув шаҳрининг Туратали буюм бозорида Юнус ака деган киши билан танишиб, ишончини қозонди. Унга тегишли дўконда сотувчи бўлиб ишлаб юрган кезлари бир-икки марта чегарадаги дарёдан яширинча майда-чуйда олиб ўтиб, пуллади. Ўтган йилнинг кузида, дарёнинг суви озайиб, кечиб ўтиш осонлашгач, ноябрь ойининг охирроғида "йирик иш"га қўл уришни мўлжаллади.

Дўконда ишлаб юрганида танишган савдогарлардан бирини авраб кўндирди.

— Ишончли олиб-сотарлар бор. Насияга берсангиз, бир ҳафтада пулини қилиб бераман.

Ундан олган турли-туман жемпер ва белбоғларни кичкина қопларга жойлади. Кечки пайт машинага юклаб, Шаҳрихонсойнинг кечиб ўтиш қулай бўлган қирғоғига туширди. Соат ўнбирларда қопларни орқалаб, тизза бўйи кечувдан чегаранинг бу тарафига олиб ўтди.

Ҳовлисига олиб келгач, қопчалардаги кийимларни ўнта катта-катта қопларга жойлаб, "харидор"ларга тайёрлаб қўйди. Йигирма миллион сўмликдан ошиқроқ "товар"ни пуллаб, топажак фойдасини хомчўт қилди: қиш арафаси жемперларнинг бозори чаққон. Камида тўрт-беш миллион "ишлаб" олади. Фойдани майда-чуйдага сарфламай "айлантирса", кимсан, фалончи бойвачча деб ном чиқаради...

Унинг режаларини Кўрғонтепа туман ИИБ ҳамда ўт ўчириш идораси ходимлари пучга чиқаришди.

Бегжон Мадмаров суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлди. Амалдаги чет элга чиқиш, божхона тўғрисидаги қонунларни бузган, жуда кўп миқдордаги товарларни чегарадан яширинча олиб ўтиб, пуллашга уринган шоввозга суд тегишли жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бундай иш билан шуғулланганлар қилмишлари билан аввало ўзларини жазолайдилар. Хонавайрон қиладилар. Четдан божхона кўригидан ўтиб, бож тўловларини тўлаб товар олиб келаётганларнинг эса иши юришаверади.

**Санжарбек ДОЛИМОВ,**
**Кўрғонтепа туман прокурори ёрдамчиси**

# ИНСОН ТАҚДИРИ БОЗОР БЎЛМАС

"Отанг бозор — онанг бозор" деган нақл бор халқимизда. Айримлар автомашинасини, бошқалар уй, кўчмас мулк, яна кимдир ўз маҳсулотларини бозорга олиб чиқиб сотган. Савдо-сотиқ яхши, албатта. Лекин ҳозирда умумжаҳон муаммосига айланиб улгурган, одам савдоси каби иллатлар ҳам юзага келган. Бу борада нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда одам савдосига қарши курашиш юзасидан тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилиб, махсус комиссиялар иш олиб бормоқда. Мамлакатимизда ҳам одам савдосига қарши курашиш Республика идоралараро комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ жиноятчиликнинг мазкур турига қарши қатъий кураш олиб борилаяпти.

1946 йилда туғилган Тай Эдвард Ин-Окович ҳаёти давомида турли соҳаларда меҳнат қилди. Кези келганда тадбиркорликка ҳам қўл урди. Бироқ нима бўлди-ю, ёши 60 дан ошган қария жиноят йўлига кириб қолди. Ўзига ўхшаш кимсалар билан жиноий тил бириктириб, одам савдоси билан шуғуллана бошлади. Қозоғистон Республикасида даромадли ишга жўнатиш, у ерда яхши шароит яратиб бериш ваъдаси билан аёлларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, уларни сотиб юборган. Ҳимояга муҳтож аёллар Ин-Оковичнинг Қозоғистондаги шериклари қўлига тушгач, паспортлари олиб қўйилиб, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурланганлар.

Худди шундай яна бир ҳолат. 1966 йилда туғилган, тўрт нафар фарзанднинг онаси Гулнора Кушакова ҳам айни шундай жиноятга қўл урган. Кушакова ўзи ижарада яшаб келаётган Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги хонадонида фоҳишахона ташкил қилган. Бундан ташқари, у хорижда мўмай даромад ишлаб топиш мумкинлигини ваъда қилиб соддадил аёлларни чет элга ишлашга таклиф қилган. Жиноятчининг ваъдаларига учган аёллар унинг таклифига кўнишиб, хорижга ишга отланишган.

Яна бир ҳолат. 1958 йилда Тошкент вилоятида туғилган Гулбаҳор Зокирова муқаддам фирибгарлик жинояти билан судланган. Ҳукуматимизнинг амнистия тўғрисидаги актига асосан биринчи судланишида жавобгарликдан озод қилинган эди. Бироқ бундан тўғри хулоса чиқармаган аёл яна жиноят йўлида давом этаверди.

Г.Зокирова кенг кўламда фаолият олиб борган. 2003 йил мартида Р.Хегай ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, ўзганинг мол-мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида Х.Холмашрапов, Б.Отабеков, А.Каримов ва А.Муҳаммадиевларни тузоққа илинтиришди. "Кореяга ишлаш учун жўнатамиз" деб, уларнинг ҳар биридан 2.700 АҚШ доллари, жами 10.800 АҚШ доллари олишган-у, пулларни ўзлаштириб юборганлар.

Бундан ташқари, Г.Зокирова Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида яшовчи Б.Қаландаров билан олдиндан жиноий тил бириктириб, гўёки Қаландаровнинг кафесида официант бўлиб ишлашини ваъда қилиб, алдаб Л.Жалилова ва Г.Исахожаеваларни Дубайга жўнатган. Дубайда уларни Қаландаров кутиб олиб, ваъда қилинган ишга жойламай, турли шахслар билан жинсий алоқада бўлишга мажбурлаган.

Халқимизда: "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади", деган нақл бор. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар саъй-ҳаракати туфайли юқорида кўрсатилган жиноятчиларнинг пайи қирқилди. Жиноятга қўл урганларнинг барчаси қонунга мувофиқ тегишли жазога тортилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, номлари зикр этилган кимсалар жиноятга қўл уришдан аввал озгина бўлса-да, инсон тақдири, унинг ҳаёти устида фикр юриттганмикан? Қўлларида жабр кўрганлар кимнингдир қизи, онаси, опаси ёки синглиси-ку?!. Виждон, имон, инсоф тушунчаларидан йироқлашган бу жиноятчилар адолатли жазога рўпара бўлгандан кейингина инсон тақдири бозорга олиб чиқилиб сотиладиган буюм эмаслигини англашди.

**Азиз АСРОРОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича**
**Тошкент шаҳар суди судьяси**

# КИМ АЙБДОР?

Тарбия ҳақида гап кетганда ўтган асрнинг бошларида халқимизнинг улуғ мутафаккири, жонкуяр маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг бир гапи беихтиёр ёдга тушади: "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё саодат, ё фалокат масаласидир". Дарҳақиқат, фарзандларимизнинг биз орзу қилгандек билимли, ҳунарли, эл-юртга фойдаси тегадиган, оқил инсонлар бўлиб етишиши аввало ўзимизга боғлиқ. Ахир айтадилар-ку олманинг тагига олма, шафтолининг тагига шафтоли тушади, деб. Агар фарзанди эгри қадам қўядиган бўлса, демак оилада ё ота-она, ё ака-ука, ё опа-сингиллардан бири юқорида айтилган ҳақиқатни унутган бўлиб чиқади.

Ўтган йили Тўрткўл шаҳрида юз берган бир фожеани таҳлил қила туриб, кўнглимиздан шундай ўйлар кечди. Жиноят иши бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Арзиев Қосимнинг гапларига эътибор беринг:

"Арзиев Марат менинг ўртанча ўғлим бўлади... Менга ёки бошқа бировларга Анаргулнинг уйига борганлигини айтмаган. Уни ўлдириш сабабларини билмайман. Марат ўғлим бўлгани билан ўз билганидан қолмаган, ҳеч қачон менинг айтганимни қилмаган. У мен билан бирга яшагани билан ўзи меҳнат қилиб уйга егулик ёки пул олиб келган бола эмас. Ўғлим бўлгани билан одам ўлдиргани учун қонун олдида жавоб беришини сўрайман".

Оиладаги муҳит ҳақида тасаввурга эга бўлишингиз учун жиноят иши бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Арзиев Давроннинг ҳам кўрсатмасини келтиришни лозим топдик.

"...Мен оғам Марат билан Анаргул ўртасида қандай муносабат борлигини билмайман. Марат унда пули борлигини менга айтмаган.У оиламиз аъзоси бўлгани билан шу кунга қадар уйга харажат қилмаган. ...Бирга яшаб келган вақтида оғам Марат катта оғам Аллаберган ва унинг хотини билан уй-жой устида келишмай қолганди".

Энди бевосита жиноятга тўхталадиган бўлсак, уни 1970 йили Тўрткўл туманида туғилган, шу кунгача шу тумандаги "Шўрахон" овул фуқаролар йиғинида яшаб келган, жиноят ишлари бўйича Тўрткўл туман суди томонидан 1998 йили Жиноят кодексининг 128-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилиб, Ўзбекистон Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 6 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги фармонига асосан жазодан озод қилинган Марат Арзиев содир этган. Бундай ёвузлик реал воқелик бўрттириброқ кўрсатиладиган жангари фильмларда ҳам камдан-кам учрайди. Жиноятчи баҳор кунларининг бирида эрталаб таниши Тўрткўл шаҳри Машъал кўчаси 3-уйда асраб олган икки фарзанди билан яшовчи Анаргул Нурумбетованинг уйига боради. Улар билан нонушта қилади. Сўнг 15 ёшли Тўлқин Нурумбетов мактабга кетгач, уй эгаси ва унинг 3 яшар ўғли Азамат Нурумбетовни ўта шафқатсизлик билан ўлдириб, уйдаги пул, тилла соат, тилла тақинчоқлар, жами 9 млн. 270 минг сўмлик мол-мулкни олиб кетади.

Кейин шу хонадонга келганлигини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига айтиши мумкин деган фикр билан Т.Нурумбетовни ҳам ўлдириш учун соат 14 ларгача Боғёп канали бўйида унинг мактабдан қайтишини кутиб турган. Бироқ маҳалла аҳлида шубҳа уйғотганлиги сабабли ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда ниятини амалга ошира олмай яширинишга мажбур бўлган.

Ушбу жиноят ишини кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди судланувчи Марат Арзиевни Жиноят кодексининг қатор моддалари билан айбдор деб топиб, умрбод озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Ҳа, жиноятга жазо муқаррар. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларидан кўзланган мақсад ҳам юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларда қонунларга итоаткорлик, адолатга ишонч ҳиссини мустаҳкамлашдан иборат.

**Нозим РАЙИМОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси**
**прокуратураси бўлим катта прокурори.**
**Нуриддин ОҚНАЗАРОВ,**
**«Huquq» мухбири**






# ДОИМИЙ ИШГА ЖОЙЛАШИШДИ

Шу йил 16 май куни "Аҳмадал Фарғоний" номли истироҳат боғига шаҳардаги корхона ва муассасаларнинг вакиллари, тадбиркорлар ўз фаолиятлари тўғрисида маълумотлар битилган кўргазмали панноларни ўрнатишди. Уларда хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш йўналишлари, тайёрланаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар, меҳнат шароитлари акс эттирилган.

"Ўзсаламан" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган пойафзаллар харидоргир, ранг-баранг ва сифатлилиги билан элга манзур бўлмоқда. "Фарғонаазот" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар мамлакатимиздан ташқари хорижга ҳам етказиб берилмоқда. Нефтни қайта ишлаш заводи, "Автоойна" каби йирик корхоналарни модернизация қилиш ва янги техника билан бойитиш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ушбу корхоналар қатори ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириб бораётган кичик ва ўрта бизнес намояндалари - тадбиркорлик субъектларининг турли касб-кор эгаларига эҳтиёжи кун сайин ортиб бормоқда. Мулк шакли турлича бўлган корхона ва муассасалар мазкур ярмаркада иш билан таъминланмаган фуқароларни ўзларидаги бўш иш ўринларига таклиф этишди.

Прокуратура ташаббуси билан шаҳар ҳокимлиги, Бандликка кўмаклашувчи марказ, ИИБ, ДСИ ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўзаро ҳамкорликда ташкил қилган бу галги ярмаркада 64 та корхона ва муассасалар, 28 та кичик бизнес вакиллари қатнашдилар.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Бандликка кўмаклашувчи марказнинг вакиллари муқим иш жойи бўлмаган фуқароларни, коллежларни битирган ёшларни, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтганларни меҳнат ярмаркасига жалб этишди.

Ярмаркада улар корхона ва ташкилотлардаги иш шароитлари билан танишиб, ўзларига мақбул ишга кириш имкониятидан фойдаланишди. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан танишдилар.

Ярмаркада 226 нафар фуқаро, шу жумладан, 31 нафар коллежларнинг битирувчилари, озодликдан маҳрум этиш муассасаларида жазони ўтаб келган 15 нафар шахс "Фарғонаазот" акциядорлик жамияти, "Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи" унитар корхонаси, "Водийгазтаъминот" унитар корхонаси, "Фарғона ёғ-мой" акциядорлик жамияти, "Иссиқлик энергия маркази", "Ўзсаламан" қўшма корхонаси, "Моҳигул" хусусий фирмаси, "Ўроғбой ота" фермер хўжалиги ҳамда бошқа катта-кичик корхоналарга ишга кириш имкониятидан фойдаланишди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими 35 нафар йигит қизларни компьютер, чеварчилик, ҳамширалик ва бошқа йўналишлардаги ўқув курсларига қабул қилди. 218 нафар фуқаро меҳнатга оид қонунлар хусусида ҳуқуқий маслаҳатлар олишди.

Прокуратура органлари ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар, хусусан одам савдоси жиноятини келтириб чиқарувчи билвосита сабаблардан бири — ишсизлик муаммосини ҳал этиш чораларини кўрмоқда. Банд бўлмаган фуқароларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва ишга жойлаштириш борасидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш устида мунтазам иш юритилиб, шаҳар ҳудудида бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш анъана тусига кириб бормоқда.

**Одилжон ИБРАГИМОВ,**
**Фарғона шаҳар прокурори**
**катта ёрдамчиси**

# НОҚОНУНИЙ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Вазирлар Маҳкамасининг "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги 154-сонли қарори мамлакатимизда экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ва чакана савдо қилишни тартибга солишга қаратилган муҳим ҳужжат саналади. Мазкур қарорга мувофиқ жисмоний шахслардан божхона тўловлари ундиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Таъкидлаш керакки, бундай тартиб тадбиркорларга ўз фаолиятларини олиб боришда бирмунча қулайликлар яратди.

Солиқ хизмати ходимлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган тарғибот тадбирларини мунтазам ўтказишаётганига қарамай, афсуски, айрим тадбиркорлар томонидан унинг талаблари бузилаётган ҳолатлар аниқланмоқда. Жумладан, 2009 йил 1 апрелига қадар вилоят бўйича жами 233 та ана шундай қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилди.

Биргина Денов туман солиқ инспекцияси ходимлари томонидан назорат тартибида ўтказилаётган мониторинг-текширув натижасида четдан ноқонуний келтирилган товарларни рухсат этилмаган жойларда сотиш билан боғлиқ бўлган 103 та ҳуқуқбузарлик аниқланди ҳамда 28445,9 минг сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Хусусан, туманда яшовчи фуқаролар Фахриддин Самадов ва Акмал Розиқовлар қонунга хилоф равишда эркаклар оёқ кийимлари савдоси билан шуғулланганликлари фош этилиб, улардан 1 млн. 285 минг сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Умуман, жорий йилда туманда четдан ноқонуний олиб кирилган ҳужжатсиз товарлар савдоси билан шуғулланган ҳуқуқбузарларга нисбатан 759510 минг сўм жазо чоралари қўлланилди.

Амалдаги қонунларни четлаб, ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган шахслар "кўза кунда эмас, кунида синиши"ни яхши англаб олишлари керак.

**Илёс РАҲМАТОВ,**
**Сурхондарё вилоят давлат**
**солиқ бошқармаси ахборот хизмати бошлиғи**

# БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ




Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, эркин бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган демократик жамият барпо этиш йўлини танлади. Мустақиллик йилларида дунёнинг кўплаб давлатлари билан ҳар томонлама ва кенг қамровли ҳамкорликда иш олиб борилиб, иқтисодиётни ислоҳ қилишда кўзга кўринарли натижаларга эришилди. Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида ислоҳотларни амалга оширишда ҳар бир давлатда банк тизимининг аҳамияти беқиёс бўлади. Айтиш мумкинки, банклар давлат иқтисодий ривожланиши ва барқарорлигини таъминлашнинг муҳим бўғини бўлиб ҳисобланади.

Ушбу жараёнларнинг кейинги босқичи сифатида жорий йилнинг 8 апрелида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун матбуотда эълон қилиниб, кучга кирди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4051-сонли ва 2008 йил 18 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4053-сонли фармонлари талабларидан келиб чиқиб тайёрланган. Ушбу Фармонларни қабул қилишдан асосий мақсад эса банклар капиталлашувини ошириш, корхоналарнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш ва улардаги ишлаб чиқаришни модернизация қилишдан иборатдир.

Маълумки, "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Қарздорнинг мол-мулкини сотиш" деб номланган 135-моддасига мувофиқ, қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинганидан ва баҳоланганидан кейин тугатиш бошқарувчиси ушбу мол-мулкни очиқ ким ошди савдосида сотишга киришади. Бунда банкрот бўлган қарздорнинг мол-мулкини сотиш тартиби ва муддатлари (жадвали) кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан маъқулланиши керак. Шундай қилиб, мазкур мол-мулкни сотиш шартларини тасдиқлаш кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитасининг ваколатларига киради. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясини тузиш назарда тутилган. Комиссия ваколатларига банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш шартларини ҳамда аукцион ва танлов асосида ўтказиладиган савдоларнинг натижаларини тасдиқлаш ҳам киради. Шу муносабат билан, мазкур Қонун асосида "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг 135-моддасига юқорида зикр этилган Республика комиссиясининг тегишли ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилди.

"Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуннинг "Марказий банк учун тақиқланган фаолият турлари" деб номланган 4-моддасида белгиланган умумий қоидага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банклар ва бошқа юридик шахсларнинг капиталларида иштирок этишга ҳақли эмас. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг, шунингдек Марказий банк фаолият юритишини таъминлайдиган корхоналар ва ташкилотларнинг капиталларида Марказий банкнинг иштирок этиши бундан мустаснодир. Шуниси ҳам борки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4051-сонли фармонида Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги 3750-сонли фармони билан ташкил этилган "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг устав капиталидаги иштирокини ошириш назарда тутилган. Шу муносабат билан "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддаси Марказий банкнинг "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг устав капиталида иштирок этиш ҳуқуқини қонунан мустаҳкамлаб қўядиган норма билан тўлдирилди.

"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслиги ҳақидаги нормани ўз ичига олган "Банк операциялари" деб номланган 4-моддаси банкларга банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техника ва технология жиҳатидан модернизациялаш ҳамда қайта жиҳозлаш, ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бундай корхоналарни сотиб олишига ва кейинчалик стратегик инвесторларга бозор баҳосида сотишига имкон берадиган норма билан тўлдирилди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг банк тизими ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, ушбу тизимнинг мустақиллик шароитида шаклланиши ва ривожи республикада миллий валюта тизимини йўлга қўйилиши ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси "сўм" муомалага киритилиб, икки поғонали банк тизимининг ҳуқуқий асослари яратилишидан бошланган дейиш мумкин. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги ва "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Бу даврда Ўзбекистон Республикасининг банклари томондан тўлиқ шаклланиб, халқаро интеграция ва банк тизимини янада ислоҳ қилишга оид чоралар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг назоратга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини Жаҳон банкининг банк фаолияти назорати тамойиллари асосида тўлиқ қайта ишлаб чиқилганлиги республика банк тизимининг жаҳон интеграциясига тўлиқ киришганлигидан дарак беради. Бундан ташқари ушбу тизимдаги ислоҳотларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги "Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга, дейиш мумкин.

Бундан ташқари, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддаси билан акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эллик минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлмаслиги керак деб белгилаб қўйилган. Ушбу нормага асосан акциядорлик жамиятларида ҳиссалари бўлган акциядорлар, шу билан бирга акциядорлик корхонасининг ўзини ҳам манфаатларига хизмат қилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан, 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этиладиган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун устав жамғармасининг энг кам миқдори жамият давлат томонидан рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти 400 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этиши лозимлигига оид нормани инобатга олиб, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун асосида "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасига акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдорини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 400 минг АҚШ долларига тенг суммага етказиш ҳақида ўзгартишлар киритилди. Бундан ташқари, шу фармонга асосан, республикада фаолият юритаётган очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари 2010 йилнинг 1 январигача ўзларининг устав жамғармалари миқдорини улар қайта рўйхатга олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ долларига тенг суммага етказишлари ёки хусусий мулкчилик шаклига ўтишни таъминлашлари шартлиги ва бу борада тегишли идоралар тушунтириш ишларини олиб боришлари лозимлиги белгиланган.

Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар юқоридаги Қонуннинг мазмунини ўзида акс эттиради. Ушбу қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялашнинг асосий кредит марказларидан бири бўлган "Микрокредитбанк"нинг низом жамғармасини кўпайтиришга оид фармони қабул қилинганини кўрсатиб ўтиш жоиз. Ушбу фармоннинг ижроси мамлакатимиз банкларининг жами капитали, қўшимча ресурсларни жалб этиш ҳисобидан, 2007 йил билан таққослаганда 40 фоизга кўпайишини ва прогноз асосида ушбу кўрсаткичнинг 2010 йилгача бўлган даврда икки баробар ошишини таъминлаши кўзда тутилган.

Ушбу Қонуннинг амалиётда татбиқ этилиши натижаси сифатида фуқароларнинг банклар депозитларидаги омонатлари, уларнинг миқдоридан қатъи назар, давлат томонидан тўла кафолатланишини билдирибгина қолмасдан, ҳозирги шароитда банкларнинг нафақат ўзи капиталлашуви, балки бошқа субъектларни иқтисодий қўллаб-қувватлашда иштирок этиши жадаллашишини кутиш мумкин. Шу маънода, давлат раҳбари республикадаги банк тизими капиталининг етарлилик даражаси Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўп эканлигини таъкидлаган эди. Шунингдек, ҳозирги вақтда республикамиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқлиги, бу эса ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўп бўлиб, ўз навбатида ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқлигидан дарак беришини ҳам таъкидлаб ўтган эди.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун нормаларига ўхшаш нормаларни хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам учратиш мумкин. Айтайлик, Россия Федерациясининг 1997 йилдаги "Ночорлик (банкротлик) тўғрисида"ги Федерал қонунига асосан, ночор деб топилган корхоналарни тугатиш ишларини Тугатиш комиссиялари амалга ошириши белгиланган.

Бундан ташқари, Қонун халқаро тажрибага ҳам мос келади. Мисол сифатида Жаҳон банкининг банк фаолияти назорати тамойилларини келтириш мумкин. Бундан ташқари, Истамбулда 1990 йил 5 июнда қабул қилинган "Банкротликнинг айрим халқаро жиҳатлари бўйича Европа Конвенция"ни ҳам бу борадаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қаторига киритиш мумкин. Ушбу Конвенцияга кўра, иштирокчи давлатлар уларда фаолият юритаётган бошқа давлатларнинг корхоналари банкрот деб топилган ҳолларда бир-бири билан бу борада ўзаро ҳамкорлик мажбуриятини олишлари зарур. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги "Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди, Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки, Ривожланиш халқаро ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи агентликка аъзолиги тўғрисида"ги Қонунида Ўзбекистон Республикасининг тенг ҳуқуқлилик асосида жаҳон ҳамжамияти таркибига кириши зарур эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ташкилотларига киришининг, бу ташкилотларга аъзо бўлиши ҳамда уларнинг имкониятларидан республикани ривожлантириш учун фойдаланиши ҳақидаги норма акс этган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу Қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши мамлакатимизда банкларнинг янада капиталлашуви, товар ишлаб чиқарувчиларни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш, шунингдек ушбу корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ютуқларга эришиш имконини беради.

**Алишер ҲАЗРАТҚУЛОВ,**
**Улуғбек АЛОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходимлари**

# ТУҒИЛГАН КУНДАГИ ЖИНОЯТ

**Йигит киши ҳаётда бир адашдими, тўғри йўлга тушиб олиши мушкул экан. Тўғри, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган, сўнг тавба қилиб ўз ҳаётини ўнглаб олганлар сон мингта. Бунинг учун кишида мустаҳкам ирода, соғлом мафкура бўлмоғи керак. Бу хусусиятлардан бегона бўлганлар эса...**

**Яхшиси, ана шундай йўлдан адашганлардан бири содир этган жиноят тафсилотини баён қилайлик. Хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.**



Бундан олти йил бурун, 21 ёшида содир этган жиноий қилмиши учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилган Шуҳрат Шокиров (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) жазони ўтаб қайтгач, ҳаётини янгидан бошлашга қарор қилди. Меҳнат қилиб, пешона тер тўкиб тинч-фаровон яшаётганларга ҳавас билан қаради. Сурхондарёдан яна пойтахтга қайтиб келди. Нонвойлик қилиб пул топа бошлади. Бу ерда бир бева аёл билан танишиб ҳам олди. Кўп ўтмай, у аёлнинг уйида қонуний никоҳдан ўтмасдан бирга яшай бошлади. Ҳаркалай, ҳаммаси бироз изга тушгандай бўлди. Аммо 'Шуҳратнинг табиатига сокин, осойишта ҳаёт тўғри келмади. Яна саёқ юришга, ичкиликка ружў қўйди. Яна бетартиб ҳаёт тарзига шўнғиб кетди.

Ана шундай кунларнинг бирида, аниқроғи, ўтган йилнинг 15 ноябрида унга қандайдир Сабоҳат исмли таниши телефон қилиб, туғилган кунига таклиф қилиб қолади. Бу саргузашттталаб Шуҳрат учун айни муддао эди. Бир амаллаб кунни кеч қилиб олгач, бирга яшаб юрган аёлига бир нималарни баҳона қилди. Сўнг торт ва бир шиша ароқни кўтариб айтилган манзилга қараб жўнади.

Шуҳрат Сабоҳатнинг уйига кирганида туғилган кун учун ёзилган дастурхон атрофига тўрт-беш чоғли меҳмон йиғилиб улгурган экан. Меҳмонлар орасида Шуҳрат илгари ҳам бир-икки марта кўрган Равшан исмли йигит ҳам бор эди.

Ҳали жойлашиб улгурмай, Шуҳрат ўзи билан олиб келган ароқни очиб "соқийлик"ни бошлаб юборди.

Зиёфат охирлаб, дастурхонга ширинлик тортилган пайтда меҳмонлар сафи сийраклашиб қолган эди. Аллақачон ширакайф бўлиб олган Шуҳрат Сабоҳатнинг ҳамхонаси, Ойсулув исмли қизга шилқимлик қила бошлади. Бундан жаҳли чиққан Равшан унга бир нималарни тушунтирган бўлди, лекин фойдаси бўлмади.

Шуҳратнинг хиралигидан безган Ойсулув "кетаман"га тушгач, Равшаннинг сабр косаси тўлди. "Гап бор" деб Шуҳратни даҳлизга олиб чиқди.

Шуҳрат кўзи аралаш юзига тушган зарбадан довдираб қолди. Юзини қўллари билан бекитган кўйи "бўлди Равшан, мен тушундим" деб деворга суяниб олди.

"Мен сенга айтдим, Ойгул уйланадиган қизим. Унга шилқимлик қилмай, тинчгина ўтир, тушундингми?" — Равшан шундай деб Шуҳратга яна бир мушт туширди. Сўнг ичкарига, меҳмонлар ўтирган хонага кириб кетди.

Шуҳрат унинг орқасидан кирмади. Хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, кўчага чиқиб кетди.

Унинг ғазаби қайнаб аламини кимдан олишни билмай боши қотди. Қайтиб кириб Равшан билан "ҳисоб-китоб" қилай деса, кучи етмаслигига кўзи етиб турибди. Ўзини ожиз-у нотавон, хўрлангандай ҳис қилди. Дуч келган кафега кириб аламини ароқдан олди. Аммо кайфи ошган сари Равшандан ўч олиш фикри уни сиқувга ола бошлади.

Одамзоднинг табиати қизиқ: айбни ўзидан эмас, ўзгадан қидиради. Бунинг устига у бўлиб ўтган воқеаларни мушоҳада қилиб кўрадиган аҳволда ҳам эмасди.

"Давронни топишим керак! Даврон менинг ўчимни олиб беради".

Даврон исмли танишига қўнғироқ қилди. Рақамларни қайта-қайта терса ҳамки, Даврон гўшакни олавермади. У сўкинган кўйи уйига қараб жўнади.

Кўзи кўкарган ҳолда уйига кириб келганида вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Ухламай кутиб ўтирган "хотини" унинг аҳволи-ю, важоҳатини кўриб қўрқиб кетди.

— Нима бўлди сизга? Яна биров билан уришдингизми?

— Ҳа, муштлашдим! Сенинг ишинг бўлмасин, — Шуҳрат шундай деб ошхонага ўтиб кетди. Ортидан эргашган "хотини" унинг тортмадан пичоқ олаётганини кўриб яна ваҳимага тушди.

— Нима қилаяпсиз, пичоқни жойига қўйинг, — у "эри"нинг қўлларига тармашди. Сўнг фикридан қайтишини сўраб ялиниб-ёлвора бошлади. "Хотини"нинг куйинчаклиги уни бироз ҳушёр торттирди. Уни овутган бўлди:

— Шаҳноз, сен кўп хавотирланма. Яна қамоқхонага қайтиш ниятим йўқ. Фақат сал қўрқитиб қўймасам бўлмайди.

Шу пайтда унинг қўл телефони жиринглаб қолди. Боя телефон қилиб тополмагани - Давроннинг ўзи қўнғироқ қилаётган эди.

— Йўқлабсиз ака, кўзим илинган экан. Тинчликми? — сўради Даврон.

— Қанақа укасан ўзи? Керак пайтда топиб бўлмайди. Келиб акангнинг аҳволини кўр. Башарамни бузиб ташлашди.

— Уйдамисиз? Ҳозир етиб бораман.

Даврон билан кўчада кўришди. Бўлган воқеани қўшиб-чатиб айтиб берганида Давроннинг шерлиги тутди.

"Ҳозир бориб ўша буқанинг шохини синдираман, бугундан қолдирмайман".

Икковлон Сабоҳат яшайдиган уйга етиб келганида тун ярмига яқинлашиб қолган эди. Шуҳрат аввал қўнғироқни босди, сўнг бундан кўнгли тўлмади чоғи, эшикни тепа бошлади.

Бир муддат ўтиб ичкаридан хавотир аралаш "ким?" деган товуш эшитилди.

Бу пайтда Равшан шу хонадонда, севган қизининг олдида қолган эди. Шовқинни эшитиб эшикни у очди.

— Чиқ ташқарига, сен билан эркакча гаплашиб олишимиз керак, — дағдаға қилди Шуҳрат унга.

Буни қаранг-ки, "акахони" учун ўч олишга келган Даврон Равшан билан таниш экан. Улар қучоқлашиб кўришдилар.

Буни кутмаган Шуҳрат бир зум каловланиб қолди. Даврон ундан "шу болани уришим керакми?" деб сўради.

— Ташқарига олиб чиқ, ўзим гаплашаман, — Шуҳрат шундай деб чўнтагида турган пичоқни пайпаслаб қўйди. Ўртага Ойсулув аралашди. Унга қараб сўкинган Шуҳрат Равшандан яна икки мушт еди. Даврон бор кучи билан Равшанни деворга тираб ушлаб турди. Пайтдан фойдаланган Шуҳратнинг қўлида пичоқ ялтиради...

Равшан инграб ўтириб қолди. Унинг қорнидан оқаётган қонни кўрган Ойсулув чинқирганча Шуҳратга ташланди. Кўзи қонга тўлган Шуҳрат қизнинг кўксига ҳам пичоқ санчди. Шу пайтгача қайси томонга ён босишни билмай турган Сабоҳат можаронинг бунақа тус олишини кутмаган эди.

"Нима қилиб қўйдиларинг!?" Сабоҳатнинг чинқириғидан кейингина нима иш қилиб қўйганларини англаган икки зўравон дуч келган томонга қочиб кетишди.

Кўрсатилган малакали тиббий ёрдам туфайли, шаҳар клиник шифохонасида йигит ва қизнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Қилғилиқни қилиб қўйиб Сурхондарёга қочиб кетмоқчи бўлган Шуҳрат ҳам, унинг жиноятига шерик бўлган Даврон ҳам қисқа вақт ичида ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан Ш.Шокиров ва Д.Абдураззоқовлар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Бобокул САИДОВ,**
**Юнусобод туман прокуратураси терговчиси**

# БЕНОМУС



Тун ярмидан оққан. Шифохона жим-жит, беморлар уйқуда. Раҳима опа (исм-шарифлар ўзгартирилди) ҳаммаёқни саранжом-саришта қилиб, полларни ювиб бўлаёзди. Йўлакдаги диванга ухлагани жой ҳозирлаётиб, Жанонага "келинг, бирга ётамиз" деди.

— Анави палата бўш, ўшатта бўламан, — деди кўрпа-ёстиқни қўлтиқлаб олган ҳамшира. "Енгилтаклиги бошига етмаса эди", дея хаёлидан ўтказди фаррош. Ҳали кўзи илинмай, вазн ўлчаш хонасидан келган товушдан безовта бўлиб, Раҳима опа бориб эшикни тортиб кўрди. Тақиллатганида врач Мирзабек эшикни очиб, халати тугмаларини қадади. Каравот ёнидаги эса Жанона сочларини тузатарди. Раҳима опа уятдан лов-лов ёниб, индамай жойига бориб ётди. "Беморга осма укол қиласиз, деб алдаб чақириб олган экан-да. Айб Жанонанинг ўзида. Беномус бўлмаса, қўлини теккиздирмасди. Зўравонга кучи етмаса, дод дерди, ёрдамга чақирарди. Беномуслиги учун йигирма саккизга кирсаям эр олмаган-да! Дўхтирга айтаман, бундан кейин Жанона билан навбатчиликка қўймасин".

Мирзабек эшикни ёпиб, тағин қизнинг билакларидан тутди. Лабларидан, юз-кўзларидан ўпиб, каравотга судради. Бехос нимқоронғу хонага Жасмина кириб келди. Коридордан тушган чироқ ёруғида каравотда икки киши ётганини пайқади. Курсидаги Мирзабекнинг оқ халатига кўзи тушди. Жанона кўрпадан бошини чиқарди.

— Аптекадан телефон қилишди. Дорини тайёрлаб қўйишипти. Анвар Жанона бориб келсин, деди.

Хўжалик ишлари бекаси йўлакка чиқди. Жанона тараниб олиб, дорихонага кеттач, имонсиз врачга дакки бериш ниятида хонага қайтиб кирди. Каравот бўш эди. Дераза очиқ қолибди. Бироздан кейин йўлакда Мирзабекнинг қораси кўринди. "Деразадан тушиб, ҳовлидан айланиб келяпти", хаёлидан ўтказди Жасмина. "Тан олмайди, ифлос!" дея ичида қарғади.

— Жанонани дорихонага жўнатдим, — деди Анварнинг хонасига кириб. — Уятсиз, Мирзабек билан қучоқлашиб ётган экан!

Анвар Мирзабекни диагностика хонасидан топди. У компьютерда ўйнаб ўтирган экан. Анвар дўконга бориб битта бир ярим литрлик идишда пивони қўлтиқлаб келди. Мирзабек Жасминани чақирди.

— Қорин очди, бирон нарса пишириб беринг, — деди ҳеч нарса бўлмагандай. Хўжалик ишлари бекаси дарров ошхонадаги газ плитада тўртта тухум қовуриб берди. Сўнгра Жанона ётган хонага йўл олди. Чироқни ёқмай, унинг каравоти ёнидаги курсига ўтирди.

— Жанона, бунақада...

— Ҳаммамизни аттестация қилишармиш-а, опа? — у бидирлаб оғиз очтирмади. — Қанақа бўлади аттестацияси? Сиз ўтганмисиз?

— Билмадим, ҳамманинг қилиб юрган ишларини қанчалик билишини синаб кўради-да!

— Ўтмаганларни ишдан бўшатишаркан...

— Қанақа эркак билан гаплашиб ўтирибсиз? — нимқоронғу хонага ҳазиллашиб Анвар кириб келди. Каравотга энгашиб қараган бўлди.

— Бўпти, бориб ухлайман! — Жасмина хонадан чиқди. Анвар унинг ортидан эргашди.

— Анвар ака, аттестацияси қанақа бўлади? — Жанонанинг ноз-фироқли овози уни йўлдан қайтарди. Эшикни ёпди. Ёнига бориб, каравотининг бир четига ўтирди.

Қиз унинг кафтини тутди.

— Акангизга бир оғиз айтсангиз бас, мени имтиҳондан ўтказади.

— Ўйлаб кўраман...

Анварнинг акаси, шифохонанинг бош врачи. Ўзи расман қоровул бўлса-да, Аброр акаси йўқлигида ҳамма ишга кўз-қулоқ бўлиб турар эди.

Жанона елкасига қўлини ташлаганида, қучоқлаб, лабларидан ўпди. Кийимларини еча бошлади. У қаршилик кўрсатмади.

— Қиз боламан, Анвар ака! Нима қилсангизам, номусимга тегманг.

— Мирзабек билан ётиб юришингни билмайди, дейсанми!

— Номусимга тегмаган. Теккан одамни судга бераман!

— Бўпти, тегмайман, — Мирзабек уни қучоқлаб, ялаб-юлқади...

Эрталаб хонага Жасмина кирди. Жанонанинг томоғи ости қизғиш доғ эди.

— Нега мени Анварга ташлаб чиқиб кетдиз? — Жанона йиғламсиради. — Нимага кеттунича ёнимда ўтирмадиз?

"Оббо, фаришта-ей", Жасмина ичида ғижинди. "Бир кечада иккитасининг қучоғига кирган ўзинг-ку!"

— Томоғинг кўкариб қопти. Бир нарса билан ўраб ол!

Жанона томоғига бинт боғлади.

Эрталаб даволовчи врач Наим ака нима бўлди, деб сўраганида оғрияпти, деб баҳона қилди. Бироқ, афтидан унга тундаги "саргузаштлар"ни етказишганга ўхшарди.

— Кўриб қўяй-чи, — дея қизнинг қаршилигига қарамай, бинтни ечди.

— Рост экан, — деди дарғазаб бўлиб. — Бу ер шифохона, фоҳишахона эмас! Бор йўқол, бошқа қадамингни босма!

Жанона ҳовлида йиғлаб бораётиб Анварга рўпара келди.

— Акангиз ишдан ҳайдаса, сизни судга бераман!

— Бор, билганингни қил!

Бош врач Аброр Салимов даволовчи врач Наим аканинг рапортига биноан Жанонани ишдан бўшатди. Келаси куни эрталаб Жамилахон кабинетига кира солиб бобиллади.

— Қаматаман укангизни! Топтириб беринг менга!

У Жанонанинг опаси, унинг илтимосига кўра синглисини ҳамшираликка ишга олган эди.

— Нима учун?

— Акамга айтаман, аттестациядан ўтасан, деб алдаб, синглимнинг номусига тегиб қўйипти!

Бош врачнинг ғазаби қайнади-ю, ўзини қўлга олди.

— Шунақа қилган бўлса, қаматворинг!

Анвар кабинетга кириб келганида Жамилахон унинг юзига тарсаки тортди.

— Нима қилдинг, Жанонани?

— Текканим йўқ!

Жамила яна қўлини кўтарганида қайириб ташлади.

— Туҳмат қиляпти, ака, — деб ташқарига чиқиб кетди.

Жанона опаси ўргатганидай ариза ёзиб берди. Унинг аризасига биноан суд-тиббий экспертизаси ўтказилди. Экспертиза хулосасида баён этилишича, Жанона Аҳророва зўрланмаган, қизлик иффати, номуси топталмаган эди.

— Ўзи бўйнимга осилди, — деди Анвар Салимов.- Қиз боламан, деган эди, ўпиб, эркаладим, холос! Аттестациядан ўтказдириб қўяман, деб ваъда берганим йўқ.

Шантаж йўли билан аттестациядан ўтиб олиш мақсадида шифохона бош врачи укасининг қўйнига кирган, ахлоқсизлиги учун ишдан бўшатилгач, зўрлаб, номусимга тегди, дея туҳмат аризани битган Жанона Аҳроровага нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

У терговдаги каби судда айбига қисман иқрор бўлди. Ишдан бўшатилгани учун жони халқумига келиб, бўҳтон ариза ёзганини тан олди. Гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертиза хулосалари билан айби тасдиқланиб, тегишли жазо тайинланди.

**Умиджон ЭШОНҚУЛОВ,**
**Фарғона шаҳар прокуратурасининг терговчиси**

# КОРРУПЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШУВЧИ ФИРИБГАРЛАР

**Россия Федерацияси Ички Ишлар Вазирлигининг икки нафар юқори лавозимли ходими фирибгарликда айбланмоқда, деб хабар қилади "Росбалт" ахборот агентлиги.**

Маълумотларда айтилишича, Россия Федерацияси Бош прокуратураси қошидаги тергов қўмитаси РФ ИИВнинг ходимлари Дмитрий Целяков ва Александр Носенколарга нисбатан олиб борилган тергов ҳаракатларини тугатган. Улар "Инкредбанк" вице-президенти, шунингдек "Спартак" хоккей клуби бош директори бўлмиш Петр Чувилиндан 1,5 миллион еврони таъмагирлик йўли билан талаб қилишда айбланишмоқда. Бироқ тергов якунига кўра, уларнинг хатти-ҳаракатлари таъмагирлик эмас, балки фирибгарлик деб қайта малакаланган.

Тергов тахминига кўра, 2007 йилда "Инкредбанк" ноқонуний банк операциялари ва жиноий йўллар билан топилган пулларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноят ишини тергов қилиш жараёнида РФ ИИВ назарига тушиб қолади.

Гап шундаки, 2007 йилнинг ёзида банк мижозларидан бири Литва фуқароси Вадимас Кастуевас Петр Чувилинга учрашиб, ўзининг яқин танишлари бўлмиш уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш департаменти 10-тезкор-қидирув бюросининг ертинчи бўлим бошлиғи ўринбосари Дмитрий Целяков ва иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш департаменти 8-тезкор-қидирув бюросининг тўртинчи бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича тезкор вакили Александр Носенколарнинг ёрдамида унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан юзага келган "муаммолари"ни ҳал этишни, шу билан бирга келажакда "панох" бўлишни таклиф қилган.

Литвалик ишбилармонга 1 миллион АҚШ доллари берилган, лекин 2008 йилнинг апрель ойида у яна қўшимча 1,5 миллион евро талаб қилган. Шундан сўнг, Петр Чувилин Россия Федерацияси федерал хавфсизлик хизматига мурожаат қилган. 2008 йилнинг 5 июнида Вадимас Кастуевас ва литвалик яна бир фуқаро Александр Байденко пул олиш вақтида қўлга олинган.

Беш кун ўтгач, ФХХ Носенко ва Целяковларни ҳам ҳибсга олган. 2008 йил банкир Алексей Френкель 2005 йилда Носенко ўзининг бир нечта ҳамкасблари билан бирга ундан 300 минг АҚШ долларини таъмагирлик йўли билан талаб қилганлиги тўғрисида ўз адвокатлари орқали хабар қилган. Акс ҳолда, милиционерлар ўша вақтда Френкель томонидан бошқарилаётган "ВИП-банк" тўғрисидаги негатив ҳужжатларни Марказий банкка бериб юборишни ваъда қилишган.

2008 йилнинг ноябрида Френкельнинг ўзи РФ Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари Андрей Козлов қотиллигини уюштирганликда айбдор деб топилиб, 19 йилга қамалди.



# Қурбонлар сони ошди

**Ява оролида Индонезиянинг "С-130 Hercules" ҳарбий транспорт самолётининг ҳалокатга учраши оқибатида ҳалок бўлганлар сони 68 кишига етди, деб хабар қилади "Associated Press" ахборот агентлиги.**

Пойтахт Жакартадан йўлга чиққан самолёт бортида 13 нафар экипаж аъзоси ҳамда 96 кишидан иборат пассажирлар бўлган. Ҳаво кемаси Шарқий Ява вилоятидаги Мадиун шаҳри яқинида жойлашган Гаплак қишлоғи устида ҳалокатга учраган. Қулаш натижасида лайнер бир нечта уйларга тегиб ўтиб, сўнг ёниб кетган.

Ҳозирда авария сабабларини ўрганиш бўйича ҳукумат комиссияси иш олиб бораяпти. Дастлабки маълумотларга кўра, самолёт двигателида носозлик юзага келган, бошқарувни йўқотган учувчилар ҳаво кемасини қўндиришга уринишган.

# ФАОЛИЯТИ ҲУКУМАТНИ ҚОНИҚТИРМАДИ



**Шимолий Корея ҳукумати Жанубий Корея билан алоқаларни ривожлантиришга масъул давлат хизматчисини қатл этди, деб хабар қилади "Yonhap News" ахборот агентлиги.**

Маълумотларда кўрсатилишича, Шимолий Корея ишчи партиясининг расмий Сеул билан алоқаларни ривожлантириш учун жавоб берадиган департамент раҳбари Чхве Сон Чхоль коррупция жиноятига қўл урганлиги учун қатл этилган.

Бундан ташқари, ахборотларда изоҳланишича, охирги вақтларда Шимолий Корея раҳбарияти Чхве Сон Чхольнинг ўз йўналишида олиб бораётган фаолиятидан қониқмаган.

Таъкидлаш жоизки, икки Корея ўртасидаги муносабат ҳамон бир маромига келганича йўқ. Халқаро ташкилотлар, бошқа давлатларнинг аралашуви билан яқин ўтмишда низо ҳолатида бўлган бу давлатлар ўртасида сал бўлсада барқарорликка эришилди.



# Истеъфога чиқишга мажбур бўлди

Буюкбританиянинг парламенти спикери Майкл Мартин истеъфога чиқишини эълон қилди. Мартиннинг сўзига қараганда, у ўз лавозимини 21 июнь куни бўшатади. Янги спикер эса депутатлар томонидан 22 июндаёқ сайланиши мумкин.

"Metro" ахборот агентлигининг хабар беришича, Британия оммавий ахборот воситаларида парламентарийлар бюджет ҳисоби эвазига сарфлайдиган харажатлари тўғрисида маълумот тарқатилганди. Аниқланишича, депутатлар сарф-харажатларни тўлдириш ҳуқуқидан жуда ғайрат билан фойдаланишган экан. Масалан, уларнинг айримлари солиқ тўловчилар ҳисоби эвазига уй-жой, автомашиналар ва яна бошқа кўплаб нарсалар, ҳаттоки итлари учун емиш сотиб олишган экан.

Шу билан бирга мазкур сарф-харажатлар тўғрисидаги ҳисоботлар парламентнинг тегишли қўмитаси орқали ўтказилган, лекин қўмита ходимларида ҳеч қандай шубҳа туғдирмаган. Айни шу маълумотлардан юзага келган жанжал спикернинг истеъфога чиқишига сабаб бўлди.

Қайд этиш керакки, спикернинг ўзи мақсадсиз сарф-харажатларни қилганлиги фош этилмаган, лекин у парламентда носоғлом муҳит яратганликда айбланган.

Мартиннинг истеъфоси 1695 йилдан бери илк бор кузатилган ҳолатдир. 1965 йилда ҳам парламент спикери юзага келган жанжал сабабли истеъфо беришга мажбур бўлган. Ўшанда парламент раиси Жон Тревор пора олаётганида қўлга тушганди.

Мартиндан аввалроқ юзага келган жанжалга аралашиб қолган бир нечта депутатлар ҳам ўз жойларини бўшатиб беришган. Консерватив партия етакчиси Дэвид Камероннинг таъкидлашича, зудлик билан парламентнинг ҳаммасини қайтадан сайлаш зарур.

# ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ БОШЛИҒИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Интерполнинг Украина бюроси Украина хавфсизлик хизмати раҳбарининг ўринбосари Тиберий Дурдинцни халқаро қидирувга берди. Милиция вакилларининг айтишича, қидирув Украина Бош прокуратураси терговчиси ва Киевнинг Печерск туман суди қарорлари асосида эълон қилинган.

Эслатиш жоизки, аввалроқ суд Дурдинцнинг ҳибсга олинишига ордер берганди, шундан сўнг унинг уйи тинтув қилиниб, ўзи эса Украина ҳудудида қидирувга берилганди.

"Корреспондент.net" газетасида ёзилишича, Дурдинц суд қарорларини ижро этмаганликда айбланмоқда. Украинанинг бир нечта босқич судлари у Украина хавфсизлик хизмати раҳбари ўринбосари лавозимига ноқонуний равишда тайинланганлиги тўғрисида қарор чиқаришган. Бироқ Дурдинц буларга қарамай ўз меҳнат фаолиятини давом эттираверган.

УХХ тизимида Дурдинц коррупцияга қарши курашиш йўналишини назорат қилган. Ҳамкасбларининг айтишича, у терговдан яширинib юргани йўқ, ҳозирда касаллик варақасини очтириб даволанаяпти экан.

# 20 йиллик олдидан қамоқдан чиқди

**Пекиннинг Тяньаньмэнь майдонида куч билан бостирилган намойиш акс садоси сифатида 1989 йилда Хитойнинг Хунань вилоятида рўй берган норозилик намойиши ташкилотчиларининг қамоқда бўлган сўнгги вакили озодликка чиқди. Бу ҳақда Хитойнинг Дю Хуа инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотнинг расмий сайтида хабар берилди.**

Тяньаньмэнь майдонида рўй берган воқеаларнинг 20 йиллиги олдидан Хунань вилоятидаги давлат корхонасига норозилик намойиши ташкилотчиларидан бири бўлган Лю Чжихуа озод этилган. Ўшанда намойишчилар Пекинда Тяньаньмэнь майдонида намойишга чиққан талабаларга қарши куч ишлатилганлиги ҳолатини кескин танқид қилишганди.

Безорилик учун умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган Лю Чжихуа билан бирга намойишнинг яна уч нафар ташкилотчилари ҳам судланганди. Уларнинг тўрталаси ҳам безорилик учун судланиб, учтаси умрбод қамоқ жазосига, бири эса ўлим жазосига маҳкум қилинган эди.

**Интернет хабарлари асосида Жамшид НАРЗИЕВ тайёрлади**



**Орзулар оғушида улғайган инсон вақти келиб улкан ютуқларни забт этувчи шахс бўлиб етишиши табиий. Мақсадга интилиш ва уни забт этиш эса кишининг матонати-ю сабрини чархлайди.**

**Ана шундай ҳаёт йўлини босиб ўтган, бугунги кунда ўзининг табаррук ёшларини нишонлаётган кексаларимиз эса доимо ҳурматда.**

**Анвар ака Фузаилов ҳам умрининг 40 йилдан ортиғини мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлаш ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга бағишлади.**

# Доимо эъзоздасиз

40 йил бу катта сана. Бу вақт ичида ўз ҳаётини касби, эл-юрт хизмати учун камарбаста қилиш эса ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Анвар ака Фузаилов ўз фаолиятини Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ва Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратуралари тизимида, туман прокурорининг ёрдамчиси, туман ва шаҳар прокуратураларининг терговчиси, катта терговчиси, Ўрта-Чирчиқ, Тошкент тумани ва Ангрен шаҳар прокурорлари, Тошкент транспорт ва авиация прокурорларининг ўринбосари, Ўзбекистон транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси, бўлим бошлиғининг ўринбосари, бўлим бошлиғи лавозимларида шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Анвар ака ўзининг самимийлиги, адолатпарварлик ва адолат тамойилларига асосланиб иш кўриши билан жамоа орасида ҳурмат ва эътибор қозонди. Прокуратура раҳбарияти эса у кишининг фидокорона меҳнати ва ижобий фазилатларини муносиб тақдирлади.

Умр йўлини касбининг заҳматли ва тотли машаққатлари билан безаган, табаррук 70 ёшни қаршилаётган Анвар ака Фузаиловга соғлиқ-саломатлик, хонадонларига тинчликхотиржамлик тилаб қоламиз.



# КАСБИДАН ҚАДР ТОПГАН ИНСОН

**Ёши улуғларнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларга эҳтиром кўрсатиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Уларнинг босиб ўтган йўли эса биз учун ибрат мактаби саналади. Бу мактаб ҳадисини олган инсоннинг эл орасида мартабаси улуғ бўлади.**

**Ортиқбой Асранов ҳам бу мартабага эришгунича қанчадан-қанча довонларни босиб ўтди. Фаолияти давомида устозларидан олган ўгитларига амал қилиб, иш фаолиятини бойитиб борди. Устоз ва шогирдлари орасида ҳурмат қозонди.**

42 йилдан ортиқ иш фаолияти давомида Андижон ва Наманган вилоят прокуратураларида туман прокуратурасининг терговчиси, вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори, катта терговчиси, Пахтаобод, Мингбулоқ ҳамда Поп туман прокурори лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишда ўз куч ва ғайратини аямади. Ўзининг билим ва тажрибасини ёш кадрларга ўргатишда ҳам жонбозлик кўрсатиб, уларнинг меҳрини қозонди.

Маълумки, фидокорона меҳнат, касбга садоқат ҳамда инсоний фазилатлар ҳеч қачон бесамар қолмайди. Ортиқбой Асрановнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланди. У бир неча марта рағбатлантирилиб, "Прокуратуранинг фахрий ходими" кўкрак нишони билан мукофотланган.

80 ёшни қаршилаётган Ортиқбой Асрановни табаррук айёми билан муборакбод этиб, у кишига оилавий тотувлик, хонадонига тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази**

# Қисмат

*Моҳира ШАКАРОВА*



Иброҳим Мавжудани касалхонага жойлаштириб, қишлоққа қайтди. Икки кундирки Мавжуда палатадан ташқарига чиқмади. Ҳамхонаси Феруза тошкентлик ёшгина келинчак. Унинг исмини ҳам кеча сўроқлаб келганлардан эшитиб қолди.

Феруза билан гурунглашмоқчи бўлади-ю аммо келинчак умуман палатада ўтирмайди. Фақат тушдан кейин, соат 5-6 лар ўртасида кўрпага ўралиб ётиб олади. Эри келиб-кетгунча касал кишилардек нолиш аралаш зўрға гапиради.

Мавжудага фарқи йўқ. У ўз хаёллари уммонига ғарқ. Уйқудагина хотиржамлик соҳилида дам олади, дейиш ҳам хатодир.

Хосиятли аёлларга бахтсизлик қора панжасини чўзувчи бўлади. Бу бахтсизлик тузоғидан омон ўта олиш фақат қаноат ва камолат соҳибаларининг қўлидан келади. Улар аксари ҳар бир боққан бахтсизликдан бир бахтлигина излагувчи меҳр боғбонларидир. Мавжуда ҳам ана шу таҳсинга лойиқ аёл.

Бўйидаги боласи бешинчи ҳомиласи. Худойим бандам деса, соғ-саломат кўзи ёриб, муштипаргина аёл дилбандини бағрига босса эди...

* * *

Мавжуда билан Иброҳим ака-уканинг фарзандлари. Иброҳим Тошкентда ўқишни тугатиб қайтган йили Мавжуда мактабни битирди. Вазмин, иболи, хаёли Мавжудани Қодир амакиси бегона қилгиси келмади, тўғрироғи, давлатига бегоналарнинг эгалик қилишини хоҳламади.

— Ука, сани олдингга бир маслаҳатли иш билан келувдим, — деди раис укаси Ботирга зимдан нигоҳ ташлаб. Аслида унинг фикрини инобатга ҳам олмасди.

— Хизмат ака. Қулоғим сизда, — Ботир акаси омбор ҳисоб-китоблари ҳақида бирор нима деса керак, деган ўй билан Қодирга тикилди.

— Шу дейман, жияним ўқишни тугатиб келди. Етти қизни орасида битта Иброҳим. Яхши биласан, - раис бошини хам қилиб, жимиб қолди. Акасининг мақсадини англолмаётган Ботир ҳайрон.

— Ўғлингиз битта бўлсаям ўнтасини жавобини беради, ака. Нега сиқиласиз? Мана "Нархоз"ни тугатди. Икки-уч йилда ўрнингизга қўйсангиз бўлади. От изини...

— Э...э, бунча валдирайсан-а. Гапимни охиригача тингласангчи, ахир. Икки-уч йилда мани ўрнимни эгаллаши учун Иброҳим тайёр бўлиши керак. Эркакларга хос турмуш ғалваларига чидаш, рўзғор, бола-чақа ташвишини бошидан кечирса, ҳаёт сўқмоқларида қоқилиб қийналса, колхозга раис бўла олади. Бўлмаса, жулдурвоқи йигитчанинг айтганига ҳеч ким қулоқ солмайди, дейман-да!

— Демак, Иброҳимни уйлаб қўйиш масаласи, денг.

— Э...э, маладес. Ана энди ўзингга келдинг.

— Шуям "проблема" бўлибдими? Уч қишлоқ қиз ихтиёрингизда, ака. Бир йўталсангиз қирқта келин таъзим қилиб турса...

— Санга гап деса, дарров кўйлак бичиб кийдирасан. Ман билан қуда бўламан дегувчилар сон мингта. Аммо, мен... мол-давлатимга бегоналар эмас, ўзимники эга бўлсин дейман-да, ука. Келин билан маслаҳатлаш. Мавжининг бўйи етиб қолди. Иброҳимдан зиёдга бермасанг керак.

— Ие, қизиқмисиз, ака. Ахир Иброҳимни Мавжуда акасидек билади. Кейин Мавжи ўқишга кирмоқчи эди. Мактабни аъло ўқиб тугатди.

— Бўлди қил. Аёлларга ўхшаб майдалашма. Қиз болага ўқишни ким қўйибди. Бу ҳафта чоршанбада совчи келади.

— Ахир...

— Йиғиштир ахир-пахирингни.

* * *

Бир ой ичида Иброҳим билан Мавжуданинг тўйи ҳам бўлиб ўтди. Мавжуда янги оилага тез кўникиб кетди. У эрини аввалгидек Иброҳим ака деб чақиради. Амакиси бир неча марта танбеҳ берса ҳам, ҳеч ўргана олмади.

Иброҳим ота-онасининг сўзини икки қилмай уйланганига хурсанд. Туман қишлоқ хўжалик бошқармасига ишга кирган йигит иш вақти тугашини интиқлик билан кутади. Хотинини соғинади. Мавжуда бош қоронғу бўлганини эшитганида-ку, гўё катта ишни дўндириб қўйгандек, юриш-туриши ўзгариб қолди. Қадам ташлашлари дадил, нигоҳлари тийраклашиб, орзулар оламида сайр этарди. "Барибир ўғил бўлади", ўйларди бўлажак ота. Гоҳ Мавжуда ийманиб бола эмизаётгандек, гоҳ ўғилчаси чопқиллаб йўлига пешвоз чиққандек...

— Нима егингиз келади, жоним, — сўради Иброҳим идиш-товоқ юваётган хотинини эркалаб.

— Нима десам, олиб келасизми? — юзланди Мавжуда.

— Товуқ сути десанг ҳам топиб келаман, азизам, — эри шундай дея Мавжуданинг орқа томонидан келиб, ёноғидан ўпиб қўйди.

— Ҳазиллашдим. Ҳеч нарса егим йўқ. Ортиқча ваҳима қилманг, Иброҳим ака. Уят бўлади.

Орадан кунлар, ҳафта-ю ойлар пилдираб ўтиб борарди. Мавжуда тўлишиб, аёллик нуқси уриб, янада гўзаллашди. Раис ҳам хурсанд. Ботир билан хотинини-ку, қўяверинг.

— Майсара, ҳо Майсара!

— Ҳа, дадаси, чақирдингизми?

— Мавжининг ой-куни яқин, чамамда. Моллардан бирортасини сотиб, бешик тўйига тараддуд кўрсакми, девдим.

— Тавба, катта ишга бунча шошасиз. Соғ-саломат оёғидан тикан суғурилсин. Боласини қўлига олсин. Ҳа, кейин бир ҳисоб бўлар...

Эртаси куни келган хабар Ботирни ҳам, Майсарани ҳам ўйлантириб қўйди. "Нега, ойи тўлмай енгил бўлди экан? Ё, оғир иш қилиб қўйдимикин?" ўйга толди она.

Раиснинг орзулари ушалгандек бўлди. Ўғлининг бир йилдан кейин ўрнига сайланишига "астойдил" хизмат қилди. Аммо бир кам дунё экан, кетма-кет тўрт боласининг нобуд бўлиши Мавжудани тамоман эзиб қўйди. "Ҳали ёшсан. Этагинг тўла бола", деб онаси билан қайнонаси овутишарди.

Ўйнаб-кулиб ишдан қайтадиган Иброҳим ҳам ўзгариб қолди. Қачон қараманг, нимадандир норози...

— Умрингда шим дазмоллаганмисан, ўзи?

— ...Нима қипти, — зўрға овози чиқди Мавжуданинг.

— Поезд юрадиган рельсга ўхшаб қолибдию... Ма, ўзинг кий! — Эр шимни хотинига қараб улоқтирди.

Ўғли билан келинининг муносабатлари кундан-кунга совуқлашиб бораётганидан раиснинг хотини хавотирда. "Минг марта айтдим дадасига, овсинимнинг қизи худди онасига тортган, деб. Ишонмади. Ўз билганидан қолмади, қуриб кеттур. Онасиям кафтимдаккина бола туғарди. Ҳарқалай гўдаккиналар ўлмайгина катта бўлди. Энди ўзимники, деб тоғдек ўғлимнинг умри шундай ўтадими-я. Кошки биттагина бўлсаям боласи тирик қолса!", Орзигул ая кўз ёшларини елкаларига артди.

Мавжуда туни билан мижжа қоқмади. Тўлғоқ азобидан кўра боласининг тирик қолиш-қолмаслиги аёлни кўпроқ қийнарди. Бу гал ҳам умидлари саробга юз тутсачи?! "Йўқ... йўқ худойимнинг раҳми келар"... кўзларига қуйилиб келган ёшнинг сабаби оғриқ зўрими, хаёллари инъикосими бир қарашда билиш қийин эди.

Мавжуда эрининг келганини эшитса-да, чиқмади. Иброҳимни кўрса баттар эзилишини ўйлаб шундай қилди. Ахир эри ҳам инсон. Ўн йилдирки кутади. Аслида ҳар иккаласи ҳам ота-она истаклари қурбони бўлишганини яхши билишарди. Бироқ...

— Чақалоқнинг тирик қолиши "врятлий", — деди рус сифат доя аёл афсуслангандек Иброҳимга қараб.

— Опа... бир иложини қилинг, - овози титраб чиқди отанинг. — Бола нобуд бўлса Мавжуда яшай олмайди, — Иброҳим кўзларидан қуйилиб келган ёшни яширолмади.

— Укажон, биласизми, она мен учун ҳам "жалка". Бу ахир бешинчи "род". Аёл соғлом, сиз ҳам соғлом. Лекин сизлар яқин қариндош. Вот причина қаерда?!

— Ҳаммасини биламан. Аммо бошқа чорам йўқ, духтуржон. Хотиним албатта, чақалоқ билан қишлоққа қайтиши керак. Отам-онам, амаким, қайнонам адо бўлишди, бизнинг бахтимиз кемтиклашди опажон, қиёматлик инингиз бўлай, ёрдам беринг, — Иброҳимнинг хонадан чиқмай илтижо қилиши, қолаверса, эркак кишининг кўз ёшини кўриб Зайнура Сагитовна ўйланиб қолди.

— Тушунган йигитга ўхшайсан. Агар рози бўлсанг, шу кечқурун бир студент қиз туғиб, боласини ташлаб қочиб кетган. Шуни...

— Наҳот, яна бола...

— Сердца биение суст. Ҳозир креслога оламиз. Буёғи ўзингга боғлиқ, ўғлим.

Коридорда икки ҳамшира ёрдамида туғруқ залига ўтказилаётган Мавжуданинг Иброҳимга кўзи тушиши билан кўзларида ёш ҳалқаланди.

— Ҳаммаси яхши бўлади. Зерикма, — деди Иброҳим хотинига далда бериб.

— Врач нима деяпти? Агар бола тирик қолиши учун мени операция қилиш керак бўлса... розиман...

Иброҳимнинг бешинчи фарзанди тупроққа қўйилган кун Қодир отанинг кўзига дунё шунчалик тор бўлиб кўриндики, бу ғам унинг раислик салобати-ю, келбатини эзиб, янчиб ташлади гўё...

Бир ҳафтадан буён бу хонадонда биров чурқ этса, омонат турган кўнгил чил-чил синиб кетадигандек. Шифтга тикилган қўйи кўзлари ярим очиқ Қодир отанинг тириклиги фақат унинг нафас олишидан билинарди, холос. Отасининг қийналаётганини, унинг дил изтиробларини Иброҳим ҳис этиб турар, аммо унга далда беришга ожиз эди. Тинмай келинидан айб қидириб жаврайдиган Орзигул ая ҳам сўниб, тинчиб қолган эди.

— Ота, — Иброҳим Қодир отанинг юмшоқ қўлларини кафтлари орасига олди. — Келинингиз "роддом"дан чақалоқ билан қайтади.

Орзигул ая ток ургандек ялт этиб ўғлига қаради.

— У боласи нобуд бўлганини билмайди. Эшитса... — Иброҳим эгилиб ўтиргани учун кўз ёши отасининг қўлига тушди. Кўзларини очишга уринаётган Қодир ота Иброҳимнинг қўлини қисиб қўйди. У ўғли нима демоқчи эканлигини аллақачон тушуниб етган эди. Иброҳимдан кейин наслу насабини давом эттиргувчи зурриёди йўқлигини, бунга ҳеч ким эмас, ўзи сабабчи эканлигини айтиб йиғлагиси, келини Мавжуда, ўғли Иброҳимнинг оёқларига йиқилиб, гуноҳларидан ўтишларини сўраб илтижо қилишни истарди. Аммо Қодир ота мажолсиз танасини қимирлата олмас даражада ночор эди.

* * *

Мавжуда қизалоғи Умидани эмизиб туриб, Аллоҳга шукрона айтади. "Ўзинг асра, нур-дийдамни, худойим. Амакимнинг дардларига ғойибдан шифо бер. Ахир, ўн йилдан буён невараларини бағриларига босиб эркалашни орзу қилардилар. Наҳот, ўтинчларим сенга етиб бормаса...", Умида оиланинг қувончи, шодлигига айланди. Илгари бирор егуликка ҳаваси келса ҳам айтолмайдиган Мавжуда ҳар куни эрталаб эрига: "Мева-чева еган бола соғлом бўлар экан. Бунинг учун эса она витаминли нарсалар ейиши керак", деб уқтириб қўяркан, бу билан: "Мен боланинг онасиман" демоқчи бўларди.

Феъли ўзгариб, юмшоқ тортиб қолган қайнонасидан хафа бўлган кезларини ўйлаб: "Муштипаргина онажоним, ўғилларим фарзандсиз ўтиб кетишини хоҳламаганлари учун ҳам инжиқлик қилганлар-да!.."

Мавжуда кўз ўнгида шалоладек шодон ўсаётган боласи билан шунчалар бахтли эди-ки, йиллар елдек ўтаётганини англамасди.

Иброҳим ишдан қайтганда чопқиллаб чиқиб, бағрига отилаётган Умидани қучиб гир айланаркан, бир армон юрагини эзар, тупроққа қўйилган болалари кўз ўнгидан ўтарди. Онасининг ғамгин нигоҳлари, отасининг аламли афғонлари юрагининг туб-тубида оғриқ уйғотарди. Боз устига тўшакда ётган отасини кафтида асраб, онасини кўкка кўтариб хизматини қилаётган хотинига қараб, бир кун бу ёлғон фош бўлса, унинг аҳволини ўйлаб қийналарди.

— Дади Умида, — деди секингина эрининг пинжига тиқилган Мавжуда. — Қизимиз уч ёшни тўлдирди...

— Нима демоқчисан, — мудрагандек кўзларини очмай сўради Иброҳим.

— Унга ука келтирмоқчиман.

- Нима?! Эсингни еб қўйибсан! Қанча орзу-ҳавасинг бўлса Умидада кўрасан. Туғишни хаёлингга ҳам келтирма!

Эрининг асабийлашганини кўриб, Мавжуда ҳайрон бўлди. Уйқуси қочиб, тонггача ухлай олмади. Иброҳим ўзи хоҳламаса ҳам икки-уч кун қовоқ-тумшуқ қилиб юрди.

— Мавжи, даҳлиздаги шкафга бир нарса келтириб қўйдим. Кийиб кўр-чи!

— Вой, нима экан?! Совғани ўлгудек яхши кўраман, биласиз-а...

Гапириб-гапириб "целофан" сеткадаги нарсани очиб кўриб, кўзларига ишонмади.

**(Давоми келгуси сонда).**

***Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!***

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Мирзо Улуғбек туман прокурорининг катта ёрдамчиси Гулбаҳор Исраиловага укаси

**Икром ИСРАИЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV

Tahririyatmanzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г—455. 25 258 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.30 2 3 4 5 6 7 8